
Байроғимиз жаҳон спорт майдонларида мағрур ҳилпирайверсин!

Дунё узра мустақил Ўзбекистоннинг байроғи ҳилпирай бошлаганига 32 йил тўлди. Байроғимиз халқаро майдонда мамлакатимизнинг куч-қудрати, мустақиллигимизнинг жаҳон аро ифодаси рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз байроғи - ўтмиш, бугун ва келажакимизнинг ёрқин тимсолидир. Байроқда руҳиятимиз, меҳр-муҳаббатимиз, ғурур ва ифтихоримиз, Ватанга, халққа, порлоқ келажакка комил ишончимиз мужассамдир. Ўзбекистонимиз байроғи ҳам юртимизда яшовчи 130 дан зиёд миллат ва элатларни ягона мақсад ва ғоя остида бирлаштирувчи муқаддас қадрият, миллатлараро тотувлик белгисидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки туманимиздан етишиб чиққан [Жаҳон](#), [Осиё](#), [Олимпиада](#) чемпионлари юртимиз байроғини жаҳон ареналарида юксакларга кўтармоқда.

Шу муносабат билан Фурқат тумани ҳокимлиги барча юртдошларимизни, қадрли тумандошларимизни озод ва эркин ҳаётимиз, ёруғ келажакимизга бўлган ишончимиз ифодаси ҳисобланган давлатимиз байроғи қабул қилинган кун билан самимий қутлайди.

2023-11-18 09:27:48